

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№ БД – 5220100 – 3.10
2016 йил “ 9 ” 01



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил “ 22 ” 01

ЧЕТ ТИЛИ

(сохага йўналтирилган чет тили)

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 200000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ

Таълим соҳаси: 220000 - Журналистика ва ахборот

Таълим йўналиши: 5220100 – Журналистика (ҳалқаро журналистика)

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

КанГ. А. – ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси катта ўқитувчиси

Абдуллаева С.М. – ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси ўқитувчиси

Муродиллоева М. Ж. – ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси ўқитувчиси

Такризчилар:

Каримова Б.А. –ТДЮУ тил ўргатиш маркази кафедраси катта ўқитувчиси, ф.ф.н

Каримова Н. –ЎзДЖТУ қошидаги республика тил ўқитиш маркази катта ўқитувчиси

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

Журналистика йўналишида чет тилини ўқитиш мутахассислик фанлари каторида муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида чет тилининг ижтимоий аҳамиятига эътибор ортаётганлиги, хорижий тилни мукамал билувчи мутахассисларга бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги туфайли бўлғуси журналистларга ҳам хорижий тилни пухта ўзлаштириш талаби қўйилмоқда. Умуман олганда мутахассис сифатида бўлғуси журналистнинг камида битта чет тилини билиши зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан талаба журналистларга чет тили ўқитиш равон ва ифодали ўқиш, ўз фикрини чет тилида оғзаки ва ёзма тарзда эркин ифодалай оладиган, нутқ ва мулоқот маданияти ривожланган саводхон талабаларни камол топтириш вазифасини қўйган. Дастур мазмуни нутқ фаолияти турларини ўрганиши даражаларини ҳамда нутқ ва тил материалларини ўзлаштиришни ўз ичига олади.

Ушбу дастур тили ўрганилаётган мамлакатларнинг бадиий адабиёт намуналарини ўқиш ва мазмунини англаш, кундалик сўзлашув лексикасини ўзлаштириш, даврий матбуот нашрларида баён этилган асосий воқеа-ходисалаар тўғрисида маълумотга эга бўлиш, ҳамда уларни оғзаки сўзлаб бериш, мазмунини ёзма баён этишга ўргатиш орқали талабаларнинг ўзга тилда мулоқотга киришиш қобилиятларини ривожлантириш каби масалаларни ўз қамровига олади.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фаннинг мақсади - талабаларда лингвистик, коммуникатив имкониятларни шакллантиришдир. Лингвистик салоҳият тил тизими ҳақидаги билим ва унинг хорижий тилда коммуникация жараёнларида амал қилиш лозим бўлган тил меъёрлари, қоидаларини ўз ичига қамрайди. Коммуникатив имкониятлар нутқий коммуникация шартларига биноан хорижий тилда мулоқот жараёнлари ва шакллари тўғри ташкил этишни назарда тутди.

Фаннинг вазифаси – чет тилини ўқитиш амалиётида талабалар нутқий қобилиятини ривожлантиришда ўқиш, ёзиш, тинглаш, гапириш кўникмасини шакллантириш, чет тилида мантиқий фикрлашни ривожлантириш орқали умумнутқий ва умумтаълимий йўриқлар тўла ўзлаштирилади.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Чет тили ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- Чет тилининг морфологик тузилиши ва товуш тизими;
- Чет тили амалиёти ўзига хос ва стилистик хусусиятлари;
- Меъёрий грамматика асослари;
- Чет тилининг ривож ва тил доирасидаги асосий экстралингвистик шаклланишнинг асосий факторлари ҳамда тарихий манбалари, унинг диалектик хилма-хиллиги;
- Мулоқотнинг оғзаки ва ёзма турларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- Чет тилида фикрни лисоний ифода қилиш усуллари;
- Нутқнинг оғзаки ва ёзма шаклларда қўлланилиш қонуниятлари;
- Нутқнинг диалог ва монолог шакллари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- чет тилининг ҳозирги адабий шаклида турли хил матнларни ёзма таржима қилиш;
- чет тилида хорижий мутахассислар билан касбий ва маиший вазиятларда жонли мулоқот олиб бориш;
- ҳар хил мавзу ва матнларни, суҳбат, нутқ ва маърузаларни ўқитиш олиб борилаётган тилга оғзаки ва ёзма таржима қила олиш;
- чет тилида мустақил ёзма маълумотлар тўплаш, манбалар билан ишлай олиш;
- янги инфорацион технологиялардан касбга йуналтирилган мақсадларда фойдалана олиш *кўникмаларига эга бўлиши*;
- чет тилининг замонавий ҳолати тавсифи, ёзув, графика, орфографика, пунктуация, лексик-грамматик туркумлар, сўз тузилиши, бошқа тиллардан сўз кириб келишининг умумий тарихи;
- чет тилида содда ва қўшма гаплар, сўз бирикмалари синтаксиси, лексика ва ёзма нутқ, диалектик лексиканинг асосий хусусиятлари;
- ўрганилаётган тилда сўзловчи шахсларнинг кенг тарқалган кундалик ва касбий вазиятларда сўзлаган нутқини тушуна олиш;

- эшитилаётган матнлардан (радио, телевидение, видеокассеталар) ҳамда илмий матнларни тушуна олиш ва улардан ўзи учун зарур бўлган ахборотни ола билиш;
- матнларни лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш;
- турли жанрга оид матнларни чет тилидан она тилига ва она тилидан чет тилига оғзаки ва ёзма таржима қилиш;
- жаҳоннинг турли давлатлари маданияти хусусиятларини қиёслаш, солиштириш ва таҳлил қилиш;
- лисоний ва ўлкашуносликка алоқадор билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, коммуникатив кўникмаларини фаоллаштириш учун замонавий инфорацион технологиялардан фойдаланиш *малакасига эга бўлиши ва улардан фойдалана олиши зарур*;

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Чет тили фани бакалавр босқичининг 1-8 семестрларида ўқитилади ва талабаларнинг асосий мутахассислик фанларига узвий ҳолда боғлаб олиб борилади. Фан самарали ўзлаштирилиши учун талабаларнинг “Журналистик ижод маҳорати асослари”, “Паблик рилейшнз ва реклама”, Журналистикада касб этикаси”, “Ахборот хизматлари фаолияти”, “Аудиовизуал журналистика”, “Журналистиканинг халқаро ҳуқуқий асослари” каби умумкасбий ва ихтисослик фанлардан етарли билим, кўникма ва малакага эга бўлишлари муҳим аҳамият касб этади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

“Чет тили” фани бўлажак журналистнинг касбий малакасини оширишда зарур бўлган асосий фанлардан биридир. Жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олган Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатига доир масалаларини ёритиш, жаҳон майдонида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни холисона, таҳлил қила олиш ва шарҳлаш журналист фаолиятида муҳим ўрин тутди. Бу фанни ўзлаштириш касбни мукамал эгаллаб олиш ва хорижий аудитория билан эркин мулоқотга киришиш имкониятини беради.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг “Чет тили” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги инфорацион-педагогик

технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, таркатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар намуналаридан фойдаланилади. Машғулотларга талабаларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб материаллар танланади ва тартиби ташкиллаштирилади. Тақдим этилаётган материалларда маълумотларнинг тарбиявий аҳамияти инобатга ва назоратга олинади. Мазкур дастурнинг ўзлаштирилиши замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнида тўғри ва самарали татбиқ қила олиш билан белгиланади. Ушбу мақсадда дарсларда “ақлий ҳужум”, “дебатлар”, “инсценировка”, “жумбоқ” каби интерактив-инновацион технологиялар, ахборот олишнинг турли йўллари (расмий ва норасмий) жамоа бўлиб ишлаш, савол-жавоб, манбаларни қиёслаш, мантиқий мулоҳаза каби методлардан фойдаланилади. Барча вазифалар коммуникатив методларда, талабаларнинг фаол иштироки орқали амалга оширилади. Дарсларда ўрганувчиларнинг эркинлиги, ўзаро мулоқоти ва гуруҳларда ишлаш тақсимоли уюштирилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг амалий машғулотлари мазмуни

Мазкур ўқув фани ўз хусусиятига кўра ижтимоий ҳаёт билан бевосита ва билвосита боғлиқ ҳолда жамиятнинг турли соҳаларида учрайдиган мавзуларни қамраб олишга ҳаракат қилади. Шунга кўра мавзулар кўлами кенг ва ранг-баранг. Умумлашган ва жамланган шаклда чет тили бўйича бакалаврият йўналишининг тўрт босқичи учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

Фонетика:

- Чет тилида талаффуз ва интонация

Грамматика:

- Сўз туркумлари ва гапбўлаклари
- Артикль
- Предлоглар
- Замонлар
- Кўчирма ва ўзлаштирама гап
- Феъл нисбатлари
- Феъл майллари
- Модал феъллар

- Феълнинг тўлиқсиз шакллари
- Сон категорияси

Лексика

- Давлат миллий рамзлари
- Давлатлар ва миллатлар
- Таълим
- Танишув
- Касблар ва ташқи кўриниш
- Оила
- Ўз уйинг-ўлан тўшагинг
- Талабалар ҳаёти
- Об-ҳаво ва фасллар
- Телефонда мулоқот
- Саёҳат
- Озиқ-овқат
- Харид қилиш
- Спорт
- Соғ танда-соғлом ақл
- Бўш вақт
- Санъат. Мусиқа
- Ҳаёт тарзи
- Дин
- Бизнес

Амалий машғулотларни ташкил қилиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Мавзу бўйича тавсия этилган адабиёт ва манбаларни ўқиш. Таълим жараёни, маъруза, семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш, журналистика қонунчилиги билан боғлиқ медиафорумларда иштирок этиш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш ҳамда журналистик фаолиятни амалга ошириш жараёнини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ва ахлоқий мезонлари ҳақида муайян билим ва малакага эга бўлиш.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Тавсия этилган адабиётларни ўқиш. Китоб мутолааси маданиятини шакллантириш. Муайян мавзуни ҳар томонлама ўрганган ҳолда маъруза қилиш. Конспект олиш. Ёзма иш, реферат, курс иши ҳамда малакавий-битирув ишларининг моҳияти, илмий тузилиши, библиографияси бўйича топши

риқларни бажариш. Талабанинг вақтини илмий тақсимлаш юзасидан берилган топшириқни текшириш. Диққат ва хотирани кучайтириш юзасидан машқлар ўтказиш.

- Талаба вақтини илмий тақсим қилиш
- Китоб мутолааси
- Ахборот алоқалари, газета ва журналлар тарихидан.
- Журналистика системасининг асосий омиллари
- Журналистиканинг маданий-ташкилий масалалари
- Холислик ва ҳаққонийлик
- Ахборот хавфсизлиги, ахборот хуружи, ахборот ва ғайриахборот
- Журналистика самарадорлиги
- Журналистикада маркетинг алоқалари
- Масс-медиянинг ҳудудий ва географик дифференциаллашув принципи
- ОАВ системасида тахририят ихтисослашувининг ўрни
- Ахборий жамиятда технологиялар тараққиётининг ОАВга таъсири
- ОАВлар типларини ташкил қилишнинг принциплари ва хусусиятлари
- Газета ва журнал нашр типи сифатида
- Телерадиоэшиттириш – системали объект сифатида
- Ахборот агентликларининг вазифаси ва ОАВ системасидаги ўрни

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

- Талаба мустақил ишни тайёрлашда фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:
- дарслик ва ўқув қўлланмалари бўйича фан боблари ва мавзуларини талабалар ишчи китоби ёрдамида мустахкамлаш;

- махсус адабиётлар бўйича фан бўлимлари ёки мавзулар устида ишлаш;
- фаол ва муаммоли ўқитиш усулларидан фойдаланиладиган ўқув машғулоти;
- янги техникалар, компьютер дастурлари ва технологияларини ўрганиш;
- масофавий (дистанцион) таълим.

1-босқич учун

1. Мақол ва иборалар, тез айтиш, товушлар ёзилган кассеталар ва уларни қайта ишлаш (луғат дафтар).
2. Қўшимча грамматик мавзулар қайта ишлаш.
3. Аудирование ишларининг бажарилиши.
4. Матнлар билан ишлаш (луғат дафтари).

2-босқич учун

1. Газета лексикаси билан ишлаш.
2. Ўрганилаётган мамлакатлар тили урф-одат аънаналари.
3. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари (герб, байроқ, мадҳия).
4. Ўзбекистон миқёсида рўй бераётган ҳодисаларнинг ёритилиши.
5. Грамматик мавзулар бўйича мустақил ишлаш (мисоллар ёзиш).
6. “Ташриф” мавзуси бўйича қисқа маълумот бериш.

3-босқич учун

1. “Конференция” мавзусида қисқа маълумот бериш
2. Газета мақоласи устида ишлаш (журналистик анализ қилиш)
3. Газета мақоласи устида ишлаш (нотаниш сўзларни ёзиб олиш ва таржима қилиш) (чет тилида).
4. Чет эл матбуоти газета ва журналларини ўқиш.
5. Радиорепортаж ва телерепортаж тузиш (чет тилида).
6. Тили ўрганилаётган давлат адабиёти ва маданияти бўйича реферат
7. Тили ўрганилаётган давлат (харита билан ишлаш).

4-босқич учун

1. Газета мақоласи устида ишлаш (саволлар бўйича журналистик анализ қилиш).
2. Газета мақоласи устида ишлаш (стилистик анализ қилиш).
3. Чет тилида берилган мавзуда ахборот тайёрлаш.

4. Газетага бош мақола ёзиш ва телевидение учун муаллифлик дастури тайёрлаш.
5. Интервью тайёрлаш ва ўтказиш
6. Чет тилидан мақола таржима қилиш.
7. Мавзулар бўйича гаплар тузиш.
8. Журналистикада касб этикаси

Дастурнинг инфор­ма­цион-у­слу­бий таъ­ми­но­ти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган.

Назарий дарсларда ва маърузаларда замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологияларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Маъруза ва амалий машғулотларида ўқитишнинг интерфаол усуллари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кластер, инсерт техникаси кабилар, кейс-стади, лойиҳалаштириш усуллари­дан фойдаланиш кўзда тутилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. G. Bakiyeva, F.Rashidova and others. **Scale up**. Tashkent-2014.
2. Bill Mascull. **Key Words in the Media**. The University of Birmingham. Collins Cobuild series from the Bank of England. 1998.
3. Э.Ф. Телень. **Английский для журналистов**. Москва, ТЕИС. 2000.
4. W. Hicks. English for journalists. London. NY.1998.
5. G. Kan. Check your media English. Tashkent. 2010.

Қўшимча адабиётлар:

1. Macmillan English dictionary for advanced learners. Macmillan Publishers Limited. 2002.
2. V.K.Muller. English-Russian dictionary. Moscow. 1999.
3. A.I. Sminitsky. Russian-English dictionary. Moscow. 1997.
4. D. Buranov, S.Butayev and others. English-Uzbek dictionary. Tashkent. 2001.
5. G. Bakiyeva, G.Kan. English-Russian-Uzbek dictionary of journalism terms. Tashkent. 2008.
6. R. Murphy. English Grammar in Use. Cambridge University Press, 1988.
7. D.Pye. S. greenall. Reward Intermediate. Upper-intermediate. SB,PB,MC Millan Publisher Limited, 2003

Интернет сайтлари:

1. www.fledu.uz
2. www.teaching.english.com
3. www.english.store.com.uk
4. www.firstenglish.com.uk
5. www.breakingnews.com

